


## XVII. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотларига кўра, 2020 йил январь-март ойларида жами 11173 та жиноят қайд этилган бўлиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 69,9 % га кўпайган. Рўйхатга олинган жиноятлар сони бўйича ҳар 10,0 минг аҳолига нисбатан 3,3 та жиноят тўғри келмоқда.

### 2018-2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони, бирлик




2019 йил январь-март ойларида рўйхатга олинган жиноятлар сони 6577 тадан иборат бўлган бўлса, 2020 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 11173 тани ташкил этмоқда.

Содир этилган жиноятларнинг оғир-енгиллиги бўйича ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганида, жами содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятларнинг асосий қисми, 16,0 % и Хоразм вилояти, 13,5 % и Фарғона вилояти, 12,9 % и Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келса, оғир жиноятларнинг 19,9 % и Тошкент шаҳри, 13,1 % и Хоразм вилояти ва 12,1 % и Фарғона вилояти ҳиссасига ҳамда ўта оғир жиноятларнинг 17,0 % и Фарғона вилояти ва 16,3 % и Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келмоқда.

2020 йил январь-март ойларида барча хизмат йўналишлари  
бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг ҳудудлар кесимида  
сони, бирликда

	<i>Барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятлар</i>	<i>Унча озир бўлмаган жиноятлар</i>	<i>Озир жиноятлар</i>	<i>Ўта озир жиноятлар</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>11173</b>	<b>3548</b>	<b>2222</b>	<b>547</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	373	115	63	14
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	821	227	192	51
Бухоро	603	185	126	13
Жиззах	417	149	100	11
Қашқадарё	633	212	119	29
Навоий	318	106	57	19
Наманган	629	215	101	22
Самарқанд	1101	349	184	63
Сурхондарё	472	183	81	33
Сирдарё	355	95	69	12
Тошкент	1400	478	269	93
Фарғона	1552	566	290	55
Хоразм	475	141	98	29
Тошкент ш.	1836	459	443	89


2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони ҳудудлар кесимида, бирликда



Ҳудудлар бўйича 2020 йил январь-март ойларида энг кўп рўйхатга олинган жиноятлар сони Тошкент шаҳрида (1836 та жиноят), Фарғона вилоятида (1552 та жиноят), Тошкент вилоятида (1400 та жиноят) ва Самарқанд вилоятида (1101 та жиноят) кузатилган.


2020 йилнинг январь-март ойларида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда, жиноятлар сони Фарғона вилоятида 1,1 баробарга, Бухоро вилоятида 95,8 % га, Андижон вилоятида 95,5 % га, Хоразм вилоятида 92,3 % га, Сирдарё вилоятида 89,8 % га, Самарқанд вилоятида 87,6 % га, Жиззах вилоятида 79,7 % га, Қашқадарё вилоятида 73,9 % га, Тошкент вилоятида 70,7 % га, Навоий вилоятида 65,6 % га, Наманган вилоятида 64,2 % га, Сурхондарё вилоятида 47,5 % га, Қорақалпоғистон Республикасида 60,1 % га ва Тошкент шаҳрида 32,1 % га кўпайганлигини кузатиш мумкин.

2019-2020 йил январь-март ойларида барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг даражалари бўйича сони, бирликда



Ўзбекистон Республикасида ўта оғир жиноятлар сони 2020 йилнинг январь-март ойларида 547 тани ташкил этган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврида 384 тани ташкил этган. Оғир жиноятлар эса 2020 йилнинг январь-март ойларида 2222 тани ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврида 1167 тани ташкил этган. Унча оғир бўлмаган жиноятлар эса 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан (2292 та ҳолат) 2020 йилнинг январь-март ойларида 3548 тани ташкил этиб, 54,8 % га кўпайган.

2019-2020 йил январь-март ойларида барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг даражалари бўйича тақсимланиши, %да




2020 йил январь-март ойларида барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жинойтларнинг 43,5 % и ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинойтлар, 31,7 % и унча оғир бўлмаган жинойтлар, 19,9 % и оғир жинойтлар, 4,9 % и ўта оғир жинойтлар ҳисобига тўғри келади.

**2020 йилнинг январь-март ойларида рўйхатга олинган жинойтларнинг ҳар 10,0 минг аҳолига нисбати ҳудудлар кесимида**




2019-2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида  
рўйхатга олинган жиноятларнинг турлари бўйича сони, бирликда



2019 йилнинг шу даврига нисбатан қасддан баданга оғир шикаст етказиш 34,5 % га, ғиёҳванд воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар 36,0 % га, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш 37,4 % га, талончилик 52,6 % га, қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга уриниш 53,3 % га, номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш 64,0 % га, ўғрилик 80,4 % га, фирибгарлик 1,5 баробарга кўпайган. Шу билан бирга, хонадонларни ва шахсий уйларни тунаш 39,9 % га ва дўкон ва савдо нуқталарини тунаш 52,0 % га кўпайган.


2019-2020 йилнинг январь-март ойларида жиноят содир этган  
вояга етмаганларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши, бирликда



2020 йил январь-март ойларида жиноят содир этган вояга етмаганларнинг сони 208 нафарни ташкил этган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврида эса 154 нафарни ташкил этган эди.

Жами жиноят содир этганларнинг 2,2 % и ни вояга етмаганлар ташкил этади. Жами жиноят содир этган вояга етмаганларнинг 1,0 % и Сирдарё вилояти, 1,9 % дан Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари, 2,4 % дан Навоий ва Фарғона вилоятлари, 4,3 % и Бухоро вилояти, 6,7 % и Қашқадарё вилояти, 9,1 % и Андижон вилояти, 11,1 % и Самарқанд вилояти, 12,5 % и Хоразм вилояти, 13,5 % и Тошкент вилояти, 14,4 % и Наманган вилояти, 1,0 % и Қорақалпоғистон Республикаси ва 17,3 % и Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.



### 2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган шахслар сони



Жиноят содир этган шахслар сони жами 9293 кишини ташкил этган бўлиб, 2019 йилнинг мос даври билан таққосланганда 11,9 % га кўпайган.

Аёллар томонидан жиноят содир этиш 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 0,7 % га камайган, эркаклар томонидан жиноят содир этиш эса 13,8 % га кўпайган.


### 2019-2020 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган шахсларнинг тоифалари бўйича сони, киши






Жиноят содир этган вақтда бандлиги бўйича таҳлил қилинганда меҳнатга лаёқатли ишламайдиган, ўқимайдиганлар ўртасида жиноят содир этганлар 1702 кишини ташкил этган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 27,3 % га камайган. Ўқиётганлар орасида жиноят содир этганлар 173 кишини ташкил этган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 32,1 % га кўпайган. Ишлайдиганлар орасида жиноят содир этганлар 19 кишини ташкил этган.

2019-2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган аёллар сони ҳудудлар кесимида, киши



2020 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида жиноят  
содир этган шахсларнинг тоифалари бўйича сони



Жиноят содир этганлар орасида гуруҳ бўлиб жиноят содир этганлар 2205 киши, аввал жиноят содир этганлар 1097 киши, маст ҳолатда жиноят содир этганлар 282 киши ва вояга етмаганлар 208 кишини ташкил этади.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Жиноятчилик** – бу аниқ ҳудудда муайян вақт давомида содир этилган жиноятлардан иборат бўлган ҳамда сон ва сифат кўрсаткичлари билан таърифланадиган ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир.

**Рўйхатга олинган жиноят** – ички ишлар идоралари томонидан аниқланган ва расман ҳисобга олинган, жиноятчилик қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий хавфга эга ҳатти-ҳаракат.

**Унча оғир бўлмаган жиноятларга** – қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

**Оғир ва ўта оғир жиноятлар** – юқори ижтимоий хавфга эга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 15-моддасининг 4 ва 5 бандларида назарда тутилган ҳатти-ҳаракатлар.

**Фирибгарлик** - алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш.

**Ўғрилик** - яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш, деярли барча юрисдикцияларда жиноят деб тан олинган.

**Босқинчилик** – ўзгалар мулкани ўғирлаш мақсадида инсон ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдирадиган куч ишлатиш ёки уни қўллаш таҳдиди билан содир этилган тажовузлик.

**Безорилик** – жамиятга очик ҳурматсизликни акс этган ҳолда жамоат тартибини қўпол равишда бузиш, бунда фуқароларга нисбатан зўравонликни қўллаш ёки уни қўллашнинг таҳдиди билан ёхуд ўзгалар мулкани йўқ қилиш ёки шикаст етказиш билан содир этиш.

**Номусга тегиш** - зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш.

**Қасддан баданга оғир шикаст етказиш** - содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишга ёки умуман соғлиғи бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса.

**Жиноятларни содир этган шахслар** – ички ишлар идоралари томонидан расмий равишда ҳисобга олинган ва уларга жиноят ишлари кўзғатилган шахслар.

**Жиноятларнинг фош этилиши** – ҳисобот даврида тергов билан тугатилган ишлар бўйича жиноятлар сонининг жиноий иш кўзғатилган вақти ва ушбу жиноят рўйхатдан ўтган вақтидан қатъий назар фош этилган ва фош этилмаган жиноятларнинг умумий сонига нисбати.